O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 18 апрел сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 74 (2371)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## Т.Холтоевни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Туроп Холтоев Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 17 апрел.

## АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу кунларда мамлакатимизда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт меҳмон бўлиб турибди. Меҳмон 16 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги узоқ муддатли сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, минтақавий ва халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлаш, барқарорликни сақлаш муаммолари борасида фикр алмашилди.

АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ва ўқитувчилари ҳузурида маъруза қилди.

Мадлен Олбрайт ўз маърузасида Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, АҚШнинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юритаётган сиёсати ҳамда дунёвий ва минтақавий хавфсизлик муаммолари ҳақида ўз фикрларини баён этди. У Ўзбекистон халқи қадимдан маърифатлилиги билан ажралиб туришини таъкидлади. Масалан, Бухорода дунёдаги энг йирик ва бой кутубхона бўлгани тарихдан яхши маълум. Бу шаҳардан дунёга машҳур математиклар, фалакиётшунослар, шоирлар, шифокорлар ва бошқа соҳа билимдонлари етишиб чиққан. Буюк Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” неча юз йиллардан буён бутун дунёда тиббиёт олимлари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда. М.Олбрайт Ўзбекистонга мазкур сафари чоғида дунёнинг маданий ва маърифий марказлари бўлмиш Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилишни сабрсизлик билан кутаётганини ҳам алоҳида таъкидлади.

Бевосита ташрифга оид мавзу – ўз давлатининг минтақамиз мамлакатларига нисбатан юритаётган сиёсатига тўхталган М.Олбрайт, АҚШнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик ҳукм суришидан манфаатдор эканини айтди. Халқаро иқтисодий интеграция кучайиб бораётган ҳозирги шароитда бир мамлакат бозорининг ривожланиши кўплаб бошқа ўлкалардаги бозорлар ривожига боғлиқ. Шундай экан, савдо-сотиқ, сармоя, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун, хавфсизлик масалалари, жумладан, халқаро террорчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдоси, айирмачилик каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадга мувофиқдир.

М.Олбрайт Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталиб, АҚШ ҳукумати минтақада экстремистик кайфиятдаги гуруҳлар ҳамда наркотик моддалар ташиладиган йўллар пайдо бўлишидан ташвишда эканини айтди. У минтақамизда беқарорлик келиб чиқишига асосий сабаб Афғонистондаги қуролли можаролар эканлигини ҳам таъкидлади. Шунингдек, М.Олбрайт АҚШ ҳукумати ўтган йили Тошкентда юз берган портлашлардан, қўшни Қирғизистон жанубига террорчилар бостириб кирганидан қаттиқ ташвишга тушганини, мазкур муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистондан ёрдамини аямаслигини қайд этди.

АҚШ Давлат котиби минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсатга юқори баҳо берди.

М.Олбрайт маърузасининг яна бир қисми бозор иқтисодиёти тамойилларига таяниб иш юритадиган кучли демократик институтлар барпо этиш мавзуида бўлди. Ҳақиқий демократик жамият ҳар қандай муаммони ҳал қила олади. Сиз айнан ана шундай жамият қуриш йўлини танлагансиз. Бу узоқ ва машаққатли йўл, бироқ кўзланган мақсад — хайрли. Бу йўлда АҚШ Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб қувватлайди, деди у.

**(ЎзА)**

## БУНЁДКОРЛИК ИНШООТЛАРИ





*Озодлик, эркни орзу қилиб, бу йўлда жонини ҳам аямаган аждодларимизнинг хотирасини ёд этиш ҳар бир ўзбек фарзандининг инсоний бурчидир. Юнусобод туманида бунёд этилаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қурилишида каттаю кичик, талабаю зиёли, ички ишлар ходимлари-ю, маҳалла аҳли — барча-барча иштирок этмоқда. Бу ерда ҳар шанба, якшанба кунлари ҳашарлар ўтказилиб, мажмуани ўз муддатида топшириш нияти билан яшамоқдалар. Насиб бўлса, бу майдон фарзандларимизни истиқлолимизга садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшади. Сураткаш мухбиримиз Нўъмонжон Муҳаммаджоновнинг ушбу тасвирида қурилишда олиб борилаётган ишлар акс этган.*



## “ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ”




Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриёти “Халқ ишончи — олий масъулият” деб номланган янги китобни босмадан чиқарди. Ушбу салмоқли мажмуада 2000 йил бошида мамлакатимизда рўй берган муҳим воқеа - Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ жуда қимматли ҳужжатлар жамланган бўлиб, улар ана шу муҳим сиёсий тадбирнинг тарихий аҳамиятини янада тўлароқ англаб етишга хизмат қилади.

Китобнинг салмоқли қисмини Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Президентликка номзод сифатида сайловчилар билан учрашувларда сўзлаган нутқлари ҳамда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси ташкил этади. Уларни мутолаа қилар экансиз, Президентимизнинг “Мен ўзимнинг энг эзгу мақсадим, ҳаётимнинг маъно-мазмунини бошлаган ижобий ишларимизни давом эттириш, ҳар бирингизнинг эртанги кундан кутаётган орзу-умидларингизни рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилиш деб биламан. Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бошқа улуғ саодат йўқ” деб айтган пурмаъно сўзлари, шубҳасиз, ҳар биримизнинг қалбимизда чуқур фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Маълумки, Президент сайлови мамлакатимизнинг демократия сари ҳаракатида янги муҳим қадам бўлди. У фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошганлигини, уларнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок этишга интилаётганликларини кўрсатди. Бу билан Ўзбекистон ўзининг нафақат эркин демократик ривожланиш тамойиллари тарафдори эканлигини, балки уларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётганлигини ҳам бутун дунёга намойиш этди. Бу китобдан ўрин олган барча ҳужжатларда: чет эллик кузатувчиларнинг фикрларида, хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари ҳамда Ватанимизнинг турли бурчакларидан Юртбошимиз номига келган самимий қутловларда жаҳон матбуоти саҳифасида Ўзбекистон ва унинг Йўлбошчиси тўғрисида эълон қилинган мақолаларда ўз ёрқин ифодасини топган.

**(ЎзА)**

## ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК!

Вазирлар Маҳкамасида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов раислигида ўтган мазкур мажлисда бюджет билан ҳисоб-китоб қилишга оид масалалар, шунингдек, жорий йилнинг 1 апрелига кўра вазирлик ва идораларга қарашли хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик-кредиторлик қарздорлиги ҳолати муҳокама қилинди.

Комиссия томонидан таъкидланганидек, ўзаро қарзларни қисқартириш бўйича кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида мониторинг олиб борилаётган 22 асосий вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг муддати ўтган дебиторлик қарзлари 2000 йил 1 январдаги 1321,1 миллион сўмга нисбатан 1 мартгача 996,8 миллион сўмгача (24,5%) камайган.

Мажлисда бир қанча вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтган қарзлар қопланишини, шунингдек, муддати ўтган дебиторлик қарзларининг ундириб олинишини таъминламаган айрим вазирлик ва идоралар ишига салбий баҳо берилди. Айниқса, кўриб чиқилган масалаларга доир ҳукумат қарорларини етарли даражада бажармаётган “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси, “Ўздонмаҳсулот” давлат акционерлик корпорацияси, “Ўзсувқурилиш” давлат концерни, “Ўзбектрансқурилиш” уюшмаси, Ўзбекистон почтаси ва телекоммуникациялар агентлиги, “Ўзқишхўжтаъминоттаъмир” давлат кооператив қўмитаси, “Ўзқурилишматериаллари” акционерлик компанияси ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг фаолияти кескин танқид қилинди.

Мажлисда тўлов интизомини мустаҳкамлаш борасида етарлича иш олиб борилмаётганлигининг сабаби шартномавий мажбуриятларни бажаришда ижро интизоми, талабчанлик сусайганлиги, шунингдек, айрим раҳбарлар ва мутахассисларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришга совуққонлик билан қараётганида эканлиги таъкидланди. Ҳукумат комиссиясининг қарорига кўра бюджет олдидаги қарздорликнинг ўсишига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларига қарздорлик миқдорини камайтириш бўйича тезкор чоралар кўриш вазифаси топширилди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Кеча Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг қўшма мажлисида Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро Конвенциялар ва Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Тошкент вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Уни қўмита раиси Э. Воҳидов олиб борди.**

Кўрилган масала юзасидан Олий Мажлис депутати, қўмита ва ишчи гуруҳи аъзоси З. Мунавваров ҳамда Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева ахборот берди.

Маълумки, мамлакатимиз парламенти томонидан хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш, Хотин-қизларининг сиёсий ҳуқуқлари, Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш ва Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциялар ратификация қилиниб, бир қатор қонунлар қабул қилинган. Хўш, Тошкент вилоятида уларга қандай амал қилинмоқда?

Қўмита ва комиссия томонидан ушбу масаланинг ижросига доир тайёрланган маълумотномада қайд қилинишича, Тошкент вилояти аҳолисининг 50,4 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Аёлларнинг сиёсий фаоллигини белгилайдиган энг муҳим далиллардан бири шундаки, вилоят миқёсида фаолият кўрсатаётган раҳбарларнинг 26,4 фоизи, туман ва шаҳарлар бўйича ишлаётган раҳбарларнинг 13,4 фоизини аёллар ташкил этади. Олий Мажлисга сайланган 24 депутатнинг 4 таси, вилоят кенгашига сайланган депутатларнинг 14,8 фоизи, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган депутатларнинг 13,3 фоизи хотин-қизлардир.

Хотин-қизларнинг салмоғи, айниқса, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимида залворли: таълим муассасаларида бу рақам 69 фоиз, олий маълумотли шифокорлар 60,14, ўрта тиббиёт ходимларининг сони эса 88,33 фоизга етади. Вилоятда барча соҳа ва тармоқларда хотин-қизлардан жами 386 нафар фан доктори, 75 нафар фан номзодлари фаолият кўрсатаяпти.

Шаҳар ва туманларда ўтказилган текширувлар аёллар фундаментал сиёсий ҳуқуқларининг бузилиш ҳоллари йўқлигини кўрсатди. Барча сайловларда уларнинг эркаклар билан тенг овоз бериши, ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг равишда миллий қонунчиликда белгиланган муассасаларга сайланиши, давлат ва жамоат функцияларини эркаклар билан тенг ҳолатда бажариш каби ҳуқуқ ва талабларга тўла риоя этилмоқда.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тузилган “Ижтимоий мослашув маркази” фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Унинг асосий мақсади — қамоқдан озод этилган аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш масаласини назорат қилишдан иборат. Ўрганиш давомида қизларни мажбуран турмушга бериш, яқин қариндошлар билан қуда бўлишга интилиш каби ҳолатлар аниқланмади. Айниқса, қишлоқ жойларида мактабни тугатмай қолаётган қизлар билан боғлиқ ҳолатлар кескин камайган. Ишга қабул қилишдаги эркак ва аёллар тенглиги тамойилининг бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга муросасиз муносабат билдирилмоқда. Масалан, Тўйтепадаги “Кобул Текстайл” корхонасига ишга қабул қилинаётган аёлларга нисбатан 3 йилгача ҳомиладор бўлмаслик мажбуриятини юклашга уриниш вилоят ҳокимлигининг бевосита аралашуви билан бекор қилинган.

Мажлисда, шунингдек, эркак ва аёлларнинг тенг қийматга эга меҳнатини баробар тақдирлаш, Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция ва миллий қонунчилик талабларининг бажарилиши борасида ҳам муайян ишлар қилингани, муаммолар ҳам борлиги далиллар асосида алоҳида таъкидланди. Хотин-қизлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро конвенциялар ва миллий қонунчилик талабларининг бажарилиши қониқарли, деб баҳоланди ва бир қанча тавсиялар берилди.

Мажлисда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унинг ишида иштирок этган республика Бош вазири ўринбосари Д. Ғуломова муҳокама қилинган масала юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Истиқлол мафкураси майдонларида*

## МИЛЛАТНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ

Олис сафарга чиққан йўловчи қоронғи кечаларда кўкда чарақлаган Қутб юлдузига қараб йўлини топиб олади. Янги жамият қуришга отланган одамлар ҳам йўлдан адашмаслик учун ўзларининг Қутб юлдузига, яъни мафкурасига, миллий ғоясига эга бўлмоқлари керак.

Яқинда Оқсаройда Президент ҳузурида адиблар, шоирлар, олимлар ва журналистлар иштирокида ўтган анжуман айни шу масалага бағишланди. Президентимиз ҳар галгидек тўлқинланиб, ёниб, жўшиб, бу масала ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар, зиёлиларнинг бу борадаги сусткашликларини, зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни ёлчитиб бажармаётганликларини танқид қилдилар.

Президент олдинга сурган ғоялар одамлар қалбида акс-садо берди. Бугун телевидение ҳам, радио ҳам, турли-туман газеталар ҳам бутун эътиборини шу масалага қаратиб қолди. Бу ишга алоқадор ташкилотларда, ўқув юртларида, вазирликлар ва ҳокимликларда йиғинлар ўтказила бошланди. Зиёлилар тўсатдан эсларига тушиб қолгандек, бир-бирларига зўр бериб мафкурани тушунтиришга киришдилар. Бу яхши, албатта! Фақат бу ўринда кампаниябозликка берилиб кетишдан сақланиш керак, бу муҳим масалани дабдабали, баландпарвоз, лекин мағизи пуч сўзлар бўтқасига кўмиб ташлаб, сийқасини чиқармаслик лозим. Хўш, мафкура нима дегани? Гапни чувалаштирмай, унга ихчам шаклда таъриф берадиган бўлсак, мен шундай дердим: мафкура жамиятнинг ижтимоий идеалини ифодаловчи ва шу идеалга эришиш йўлларини кўрсатиб берувчи дастуриламалдир. Шу маънода бугун биз мафкура ҳақида кўп муҳокамалар юритаётган бўлсак-да, у бугун пайдо бўлиб қолган масала эмас. Мустақиллик йўлларига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлабоқ Ислом Абдуғаниевич ўзининг нутқларида, суҳбатларида, мақола ва рисолаларида бизнинг миллий мафкурамизнинг асосий хусусиятларини, етакчи белгиларини, қолаверса, моҳиятини очиб берган. Ўзбекистон — келажаги буюк мамлакат. Бизнинг асосий мақсадимиз — обод ва озод Ватан яратиш. Бу Ватанда қонун асосий ўрин тутадиган омил бўлмоғи, адолат барқарор бўлмоғи, эркинлик байроғи ҳилпираб турмоғи, халқ ўз юртининг, ўз меҳнатининг эгаси бўлиб, тўқ, фаровон ҳаёт кечирмоғи керак. Хўш, бу олий мақсадга қандай эришилади? Обод ва озод Ватан яратишнинг қанақа йўллари бор? Бунинг йўллари кўп, албатта. Бир кичик мақолада уларнинг ҳаммаси тўғрисида батафсил тўхташнинг имкони йўқ. Шунинг учун бу ўринда айрим масалаларни тилга олиш билангина чекланамиз.

Аввалам бор, бизнинг юртимизда яшайдиган ҳар бир одам жуда теран миллий туйғуга, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, миллий ифтихор туйғусига эга бўлмоғи керак. Шўролар замонида, эски ва янги мустамлака шароитида нафақат бизнинг моддий бойликларимиз таланди, балки миллий туйғуларимиз ҳам поймол қилинди. Биз бугун кенг кўламда, ҳар бир ватандошимизнинг қалбида ана шу таҳқирланган миллий туйғуларимизни тикламоғимиз керак. Биздаги ифтихор туйғуси нафақат Ўзбекистоннинг беқиёс ҳусни жамолига, тенгсиз бойликларига асосланмоғи лозим, балки биз инсоният тараққиётига катта ҳисса қўшган, жаҳон фанига, санъатига, адабиётига буюк сиймоларни етиштириб берган халқ эканимизни билмоғимиз керак. Шоир айтганидек, «қайга борсак, бошда дўппи» билан ўзбек эканимиздан фахрланмоғимиз шарт. Ўз-ўзидан равшанки, бизнинг миллий туйғуларимиз бошқа халқларни менсимаслик, уларни камситиш каби иллатлардан холи бўлмоғи керак. Миллий ифтихор ёхуд миллий туйғу ўз қобиғига ўралиб олиб, бутун оламдан ажралган ҳолда яшаш эмас, балки ўзлигини унутмаган ҳолда, бутун инсониятга эш бўлиб, унинг бой тажрибасидан ўрганиб, ундаги энг яхши жиҳатларни ўзлаштириб тараққий этиб бормоқдир.

Ҳар қандай миллийлик Ватан туйғуси билан чамбарчас боғланиб кетади. Ватанни севиш, уни ҳар нарсадан муқаддас деб билиш, Ватан манфаатлари йўлида фидокорликка тайёр туриш — инсоннинг қадимий ва табиий туйғуларидан биридир. Фақат бу туйғуни мавҳумлаштириш керак эмас. Албатта, шоирлар Ватан шаънига энг сара, энг кўтаринки, энг оташин сўзларини айтишади. Лекин бу ҳар бир одамнинг Ватанга муҳаббати фақат оғизда, Ватан ҳақида узлуксиз мадҳия айтишда бўлиши керак эмас. Бир замонлар Англияга душманлар таҳдид солганда, ҳамманинг ватанпарварлиги жўшиб кетиб, бош қўмондоннинг олдига «биз Ватан учун нима қилиб берайлик?» деб ёпирилиб борган экан. Шунда қўмондон «Ҳар бирингиз ўз ўрнингизда ўз зиммангиздаги ишни ўринлатиб бажарсанглар, шунинг ўзи кифоя, Ватан сизлардан рози бўлади» деган. Шунга ўхшаш чинакам ватанпарварлик Ватаннинг бойликларига бойлик қўшиш йўлида, унинг қудратини ошириш борасида фидокорона меҳнат қилишни тақозо қилади.

Миллий мафкурамизнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, у миллий ва тарихий қадриятларимизга, умуминсоний ва умумисломий бойликларга таянмоғи керак. Обод ва озод юртни маънавий жиҳатдан баркамол одамларгина қура олади. Баркамолликка эса инсон кундалик фаолиятида ўзининг маънавий сифатларини — одамийлиги, саховатпешалиги, имон-эътиқоди, савобталаблиги, эзгулиги ва олижаноблигини муттасил ўстириб бориш орқали эришади. Бу тўғрисида ҳам Президентимиз ҳар биримизга дастуриламал бўладиган, жуда ихчам ва жуда маънодор қилиб айтган: «Савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилмоғи керак!».

Биз бугун «миллий» мафкура ҳақида гапираётган эканмиз, бу мафкуранинг фақат ўзбек миллатига тегишли эканини, республикамизда истиқомат қилувчи бошқа юзлаб миллат вакилларига дахлдор эмаслигини назарда тутмаймиз. Шунингдек, гап бу мафкурани фақат ўзбек миллатига мансуб одамлар шакллантиришн ҳақида ҳам кетаётгани йўқ. Гап биринчи навбатда, янги мафкуранинг миллий анъаналарга таяниши, миллатнинг бугунги реал хислатларидан, реал тафаккуридан чиқиб келиши, миллатнинг руҳияти ва маънавияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши ҳақида боряпти. Диёнат, инсоф, меҳр-мурувват, оқибат, андиша каби хислатлар ана шундай миллий рангга эга хислатларки, мафкурамизни шакллантиришда улар четда қолмаслиги керак.

Албатта, миллий мафкурамизнинг мазмуни ва етакчи хусусиятлари ҳақида яна хўп гапириш мумкин. Лекин ҳозирча гапни шу ерда тўхтатиб, уни ёшларга қандай сингдириш тўғрисида бир-икки мулоҳаза айтсак, маъқулроқ бўлар. Бу борадаги имкониятлар жуда кенг ва хилма-хилдир. Бу йўлда адабиёт ва санъат катта хизмат қилмоғи, журналистлар, педагоглар, бошқа зиёлилар, турли-туман жамоалар, ҳар хил ҳуқуқий органлар ва бошқа ташкилотлар катта рол ўйнамоғи керак. Китоблар, рисолалар, мақолалар чоп этиб туриш, дарсликлар яратиш, тез-тез баҳслар, мунозаралар, жонли суҳбатлар ўтказиб турмоқ жоиз. Буларнинг бари зарур. Шунингдек, ёшларимизнинг ғоявий тарбиясига алоҳида эътибор бермоқ керак. Негаки, қаерда ғоявий бўшлиқ, фикрсизлик, маслаксизлик мавжуд бўлса, ўша ерни сохта мафкуралар, шикаста ғоялар, ёвуз ниятлар ва қора фикрлар забт этади. Бу ўринда иккита ўта муҳим нарсани эътиборга олиш лозим. Биринчидан, биз миллий мафкурани одамларга сингдирар эканмиз, шўро замонида амал қилинган йўлдан, яъни зўравонлик йўлидан, мажбурлаш, тазйиқлар ўтказиш, жазолаш йўлидан бормаслигимиз зарур. Аксинча, бу соҳадаги бирдан-бир тўғри йўл — Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан иш юритишдан иборатдир.

Иккинчидан, бу ишларнинг самарадорлигини таъминлайдиган бирдан-бир омил — сўз билан ишнинг бирлигидир. Инсонларга миллий мафкурани сингдирадиган одам фидойилик ҳақида гапирса-ю, ўзи лоқайд, ташаббуссиз, худбин бўлса, ҳалоллик ва тўғриликдан ваъз айтса-ю, ўзи пораниликқа-лиққа ютиб турса, халқнинг фаровонлиги ёхуд яхши турмуши ҳақида оғиз кўпиртирса-ю, ўзи тўрачилик кўчасидан чиқмаса, фақир ва мискинлар ҳолидан сира хабар олмаса, ишимиз икки дунёда ҳам юришмайди.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ.**

*Бевосита мулоқот*

**АНОНС**

## БУЮК КЕЛАЖАКНИ СОҒЛОМ АВЛОД ҚУРАДИ

**Эл соғлиги — юрт бойлиги! Гарчи бу ибора азалдан айтилса-да, халқ тафаккури яратган ҳикмат ҳамон ўткир маъно билан садо беради. Чиндан ҳам, фуқаролари соғлом, баркамол мамлакатнинг келажаги ишончли ва мунаввардир. Айниқса, истиқлолга эришиб, ўз ҳаётини эркин, мустақил бошқариш ва ривожлантиришга муваффақ бўлган Ўзбекистоннинг яқин ўтмишдаги ва айни кунлардаги тақдирини қиёслаб, фикр юритган киши бугун эл саломатлиги устувор давлат сиёсатига айланганлигини ҳис қилади. Якка зироатчиликка маҳкум этилган ўлканинг химикатлар билан заҳарланган тупроғи, бундай заҳарни бадан-баданига сингдирган озуқа маҳсулотлари, Оролбўйи минтақасида юз берган экологик ҳалокат — яқин ўтмишнинг бу аччиқ оқибатлари — халқ соғлигини ҳам бир аҳволга келтириб қўйган эди. “Ҳар бир кишига — бепул тиббиёт” шиори ўша даврда кўкларга кўтарилди. Лекин бу ишга қизил салтанат ўз бюджетининг “қолдиқ” деб аталган сариқ чақаларинигина раво кўрди.**

**Мустақил Ўзбекистон ўз фуқароларининг соғлигига совуққон, беписанд бундай муносабатни кескин рад қилди. “Эл соғлиги — юрт бойлиги” шиори навқирон Ўзбекистон янги ижтимоий сиёсатининг асосий қоидаларидан бири бўлиб қолди. Мустақил давлатимиз ўз бюджетидан мамлакат ижтимоий ҳаётини ривожлантириш, жумладан, унинг муҳим йўналишларидан бири бўлган тиббиётни халқаро андозалар даражасига кўтариш мақсадлари учун катта миқёсда маблағлар ажрата бошлади. Президентимиз республикадаги соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишни истиқлолнинг илк кунларидаёқ устувор вазифалардан бири этиб белгилади. Давлатимиз раҳбари томонидан 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб аталганлиги, шу асосда “Соғлом авлод” давлат дастури қабул қилинганлиги, эл саломатлиги, жумладан, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш — стратегик мақсад эканлигини кўрсатади.**

**Худди шундай масалалар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари муштарийларининг республика соғлиқни сақлаш вазири Ф. F. Назиров билан бевосита мулоқотининг ҳам бош мавзуига айланди.**

**Ушбу бевосита мулоқот ҳисоботи билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.**

ЎЗБЕК КУРАШИ:

# ОЛИМПИАДА САРИ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР



**Шаҳрисабзда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган III анъанавий халқаро турнир ниҳоясига етди**

Ватанимиз азалдан довруғи етти иқлимга таралган паҳлавонлар юрти. Кураги ерга тегмайдиган полвонлар диёри. Шунинг учун ҳам бу ўлкада ўтказиладиган алплар бел олишувига кўпгина мамлакатларнинг номдор полвонлари ташриф буюради, ғолиблик нашидаси суриш учун майдонга чиқади. Бу сафар улар қадимий ва навқирон шаҳри Кешда тўпландилар.

Турнир олдидан мағрибу машриқдан келган полвонлар, расмий меҳмонлар бобомиз Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шаҳрисабзнинг тарихий ёдгорликлари, диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

«Ҳисор» ўйингоҳи. Бу ерга тонг саҳардан одамлар оқиб кела бошлади. Улар интизорлик билан мусобақа бошланишини кутишарди. Ва, ниҳоят, майдонга иштирокчи спортчилар ҳамда ҳакамлар гуруҳи саф тортиб чиқиб кела бошлашди. Томошабинларнинг ўша пайтдаги олқишини, шодланишларини сўз билан таърифлаш қийин. Турнирнинг расмий очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Шуҳрат Бегматов, Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов барчани кураш байрами билан табриклаб, полвонларга омад тиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Мадҳияси янгради. Жамоалар сардорлари мусобақа байроғини кўтаришди.

Шундан сўнг гиламга эндигина полвонлик яктагини кийиб, белбоғ боғлаган болалар чиқиб, ўзларининг маҳоратини намойиш этишди. Ёш полвонларни қарсак ва олқиш билан кузатаётган томошабинлар бир вақтнинг ўзида майдон марказида 70-80 яшар отахонларни қарши олишди. Умр бўйи кураш тушиб, ҳозиргача гиламни тарк этмаган бу кекса полвонлар ёшлар ҳавас қилса арзигулик кураш усулларини кўрсатишди.

Асосий баҳслар бошланди. Ҳайқириқлар, хитоблар. Кимдир рақибини силтаб отди. Бошқаси тенг олишди. Яна бириси ўзи қўллаган усулдан кураги ерга тегди. Тўртинчи бир жуфтлик беллашувида сониялар ичида баҳс тақдири ҳал қилинди. Ахир, буни кураш дейишади. Унда фақат кучли ғалаба қилади. Шунинг учун ҳам у ҳалол спорт тури, деб таърифланади. Баъзи ҳолларда ҳатто рақибининг ўзидан кучлилигини сезган спортчи таъзим қилиб мағлубиятини «жанг»сиз тан олади. Бу ҳам мардликнинг бир тури.



Хуллас... мағлублар даврани тарк этаверди. Ғолиблар кейинги босқичга чиқишди. Ярим финал. Жуфтликларда – Цветков (Болгария)-Цминдашвили (Грузия) ва Э. Маҳмарасулов, Б. Авазовлар рўбарў келишди. Биринчи жуфтлик баҳсида грузиялик полвоннинг қўли баланд келди. Эрали ва Баҳром полвонлар бел олишида ғолибни аниқлаш анча қийин кечди. Зеро, ҳар иккиси ҳам Ўзбекистонимизнинг энг сара курашчиларидан. Шунинг учун ҳам тенг олишишди. Ва ҳакамлар фаол ҳаракатига қараб финалга Б. Авазов чиқишини эълон қилишди.

Охирги беллашув. Гиламда Грузиянинг алп йигитларидан Цминдашвили ва ўзбегимнинг чайир ўғлонларидан Баҳром полвон. Икки баҳодирнинг олишишини кўринг. Бири йўлбарсдай ташланади, иккинчиси чап беради. Ҳа, кучлар тенг. Бундай ҳолатда рақибнинг хатосини илғай билиш зарур. Баҳром полвон шундай қилди. Цминдашвилининг биргина нотўғри ҳаракатидан фойдаланиб, уни кўтариб ерга урди. Ҳалол ғалаба қилди.

Бутун ўйингоҳ ларзага келди. «Ўзбекистон, Баҳром» деган ҳайқириқлар қулоқни жумбушга келтирди. Журналистлар ғолибни ўраб олиб, саволга тутишмоқда.

– Мамнунлигим шундаки, биз курашчиларга мутасаддилар томонидан жуда катта шароитлар яратилмоқда. Мана шундай катта турнирнинг учинчи бор ташкил этилиши ҳам кураш ривожига ва курашчиларга ҳукумат миқёсидаги эътибордан-да, ахир. Билагимда кучим бор экан, халқимнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан, — деди Баҳром.

Энг ҳаяжонли лаҳзалар. Ҳурмат шохсупасининг биринчи поғонасига Баҳром полвон Авазов кўтарилди. Унинг чап ёнида грузиялик спортчи, ўнг томонида эса болгариялик Ц. Цветков ва Э. Маҳмарасуловлар.

Ғолибга бош мукофот – Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини – «Нексия» автомобилининг калити топширилди. Иккинчи ўрин соҳибига «Дамас» микроавтобуси насиб этди. Қолган совриндорлар ҳам телевизор, видеомагнитофонлар, гиламлар билан тақдирланишди.

Чапдаст ҳаракатлари билан мухлисларда катта таассурот қолдирган грузиялик полвон билагидаги кучи туфайли эришган автомобилида ўйингоҳ бўйлаб сайр қилаяпти. Унинг шу лаҳзалардаги кечинмалари билан қизиқдик.

– Биласизми, бунчалик кўп томошабин олдида майдонга чиқиш жуда катта масъулият талаб қилади, - деди у. – Ўзбек полвонларининг кучлилигини олдиндан билсам-да, имкони борича ғалаба қилишга интилдим. Ниятим холис экан, мана, финалгача етиб келдим. Қувонарли томони шундаки, бугунги кунда нафақат юртингизда, балки бутун дунёда ўзбек курашига қизиқиш кучайган. Жумладан, Грузияда ҳам. Тўғриси, бу ерга келиб машина миниб кетаман, деб ўйламагандим. Республикангизда ишлаб чиқарилган мана шу «Дамас» менга бир умр меҳмондўст ва ширинсухан халқингизни, мафтункор Ўзбекистонни эслатиб туради.

Ўзбек кураши ҳақида қай бир хорижлик билан суҳбатлашманг, тўлқинланмасдан гапира олмайди. Биргина томошабинларнинг гавжумлигидан улар курашнинг обрўйи, нуфузи қанчалик юқори эканлигидан ҳайратланишади. Курашнинг ҳақиқатдан ҳам XXI аср спорти эканлигига тан беришади, Олимпиада ўйинлари қаторидан жой олиши шубҳасиз, дея таърифлашади. Иншооллоҳ, шундай бўлгай. Бунинг учун барча асослар бор. Шунинг учун ҳам Олимпиада сари ташланган илк қадамлар қисқа вақт ичида залворли одимларга айланди. Курашга бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда. Турфа турнирлар кўпаяётир. Улар юксак савияда ўтказилаяпти.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: мусобақа пайтидан лавҳалар.**
**М. АМИН, Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**



# ҲАММАНИНГ ИШИ

*2000 — Соғлом авлод йили*



Соғлом авлод тарбияси билан шуғулланиш фақатгина халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳалари ходимлари, оила, жамоатчиликнингина ишими? Яқинда Фарғона вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашида шу долзарб саволга жавоб излашга ҳаракат қилинди.

Кенгаш кун тартибига бу масаланинг қўйилгани бежиз эмас. Чунки соғлом авлод тарбияси умумдавлат, умуммиллат даражасига кўтарилгандагина чинакам самара беради. Вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг барча тизимлари ходимлари иштирок этган машваратда ҳам шундай хулосага келинди. Бунга шу долзарб соҳадаги ишлар анча ташвишли эканлиги, айниқса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар фарзандларининг тақдири, бу соҳадаги қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан суд-прокурор амалиёти таҳлиллари ҳам далолат бериб турибди. Агар 1998 йилда ота-оналарни фарзандларига бўлган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш юзасидан судларга 8 та даъво аризаси киритилган бўлса, ўтган йили шундай аризалар 15 тага етди. Энг ачинарлиси, бизнинг турмуш тарзимиз, қадриятларимизга ёт, айрича қилмишлар туфайли 27 бола меҳрибонлик уйларига жойлаштирилди.

Кенгаш йиғилишида ҳар бир ҳолат бўйича кўрилган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, соғлом авлод тарбияси жамиятдаги ҳар бир бўғиннинг, ҳамманинг ҳар кунги иши бўлиши лозим деган мантиқий хулосага келинди. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ҳар бир йиғилишида бу долзарб масала эътибордан четда қолмаслиги уқтириб ўтилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Божхонада*

## «ПЕПСИ-КОЛА» ИДИШИДА...ГЕРОИН

Бекобод туманидаги «Ойбек» божхона пости хизматчилари 438 грамм героин моддасини «Пепси-кола» идишига жойлаб ўтиб кетаётган қонунбузарни ушлашди. Шу ерда 220 грамм героин билан бошқа бир қонунбузар — Р. Зоидова фаолиятига ҳам чек қўйилди. «Ғишткўприк» божхона постида Россияга йўл олган «Мицубиси» русумли автобус кўрикдан ўтказилганида, фуқаро Р. Ҳасановага тегишли буюмлар орасидан 3103 грамм гиёҳванд модда топилди.

**«Туркистон-пресс».**

ТАШКИЛОТ
ДУ-20, ДУ-50 мм, ДУ-76 мм.ли пўлат қувурлар сотади.
Мулоқот учун телефонлар:
41-31-72, 41-29-94, 41-25-72,
41-22-61, 41-27-04, 46-19-46.
2647

ТОЛИҚИШ СЕЗАЯПСИЗМИ?
ҲАР КУНИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС
Атиги 2 дона капсула, ўзингизни кун бўйи бардам ҳис қиласиз.
ХАЙР ТОЛИҚИШ, ЯШАСИН БАҲОР!
2750

«MALVIL» МЧЖ саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.
АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12; 24V)
Ишлаб чиқарувчи:
Италия (CEMONT).

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ
Ишлаб чиқарувчилар:
Италия (CEMONT), Украина (SELMA).

КАФОЛАТ.
ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.
ТЕХНИК ХИЗМАТ.
2771
700000, Тошкент ш., В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар.
Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.

ЁШЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
«СОҒЛОМ АВЛОД» ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА
ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОМОНАТНИНГ
«ЯНГИ АВЛОД» ДЕБ АТАЛГАН ЯНГИ ТУРИНИ
таклиф этади
Йилига 36% даромад келтирадиган омонатга маблағлар шу йил 17 апрелдан 20 декабргача қабул қилинади (даромадлар ҳар ойда тўлаб борилади).
Бир ой учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар олинмаган тақдирда, улар қўйилмангизга қўшилиб боради, фоизлар эса капиталлаштирилади.
Омонат 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган шахсларга очилади.
Омонатни сақлаш муддати 2001 йилнинг 3 январига қадар.
«Таътил» омонати (3 ой муддатли) бўйича фоиз ставкалари оширилиб, йилига 36%, ҳар ойда капиталлаштириш эса - йилига 42,6% бўлганлиги тўғрисида ҳам маълум қиламиз.
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянгиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.
Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.
NBU
2762

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "GOFA" хусусий фирмаси тугатилади. Окпо коди 16111121,
Эътироз ва даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, У. Орипов к.и, тел: 98-25-63.

Фарғона вилояти ҳокимлигининг мукаммал қурилиш бош бошқармасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси қўмита аъзоси, Олий Мажлис депутати Т. Ҳамроевга онаси

**Хадича момо МИРЗАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Матбаа ва ҳиссадорлик жамиятларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Абдураҳмон Раззоқовга синглиси

**Мунаввар РАЗЗОҚОВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.
БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Навбатчи — О. РАЖАБОВ. Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.15
1 2 3 4 5 6